



Матлуба МИРХОДЖАЕВА,
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг
умумий фондларни сақлаш хизмати раҳбари

РЕСПУБЛИКА АХБОРОТ-КУТУБХОНА МУАССАСАЛАРИДА ДЕПОЗИТ ФОНДЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

*The article highlights the concept of «depository fund» and a theoretical guide
to the selection of literature for storage in the depository fund*

2011 йил 13 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасида Ахборот-кутубхона марказлари “тегишли ҳудудда ахборот-кутубхона муассасаларининг депозитар сақланадиган ахборот-кутубхона ресурсларини тўплашни амалга оширади ва уларнинг ҳисобини юритади”, деб белгилаб қўйилган.

Аввало, “депозитар сақлаш” тушунчасига аниқлик киритайлик. Депозитарий лотинчадан олинган бўлиб, depositus – бир четга қўйилган, agium – сақлаш жойи маъноларини билдиради. Депозитар адабиётлар иккиламчи танлаш натижаларидан ҳосил бўлган фонддир. Иккиламчи танлаш кутубхона фонди мутахассислари томонидан уч йилда бир марта амалга оширилади.

Бугунги кунда ахборот-кутубхона муассасалари иккиламчи танлаш йўли билан депозит фондларни шакллантириш тизимини жорий қилишлари давр талабидир.

Аввало, “иккиламчи танлаш” тушунчасининг мазмуни ва аҳамиятини англаб олишимиз зарур. Иккиламчи танлаш мавжуд фондларнинг ўзида ўтказилади ва фонднинг кутубхона вазифаларига ҳамда китобхонларнинг қизиқишларига мувофиқ келишини таъминлашга қаратилади. Иккиламчи танлаш жараёнида қайси нашрларни бундан кейин ҳам фондда қолдириш кераклиги, китобхонларнинг талабига жавоб бермай қолган нашрларни нима қилиш лозимлиги, фондни яна қайси нашрлар билан тўлдириш зарурлиги ҳал қилинади.

Иккиламчи танлаш бир вақтнинг ўзида фонднинг кам фойдаланиладиган, лекин қимматли қисмларини кучайтиришга, энг кўп сўраладиган китобларнинг нусхаларини кўпайтиришга, кутубхона асосиз равишда рад жавобини берадиган нашрларни сотиб олишга, фондни кераксиз китоблардан холос қилишга ёрдам беради. Иккилам-

чи танлаш жараёнида бутлашнинг истиқболли режаларига аниқликлар киритилади. Иккиламчи танлашни ўтказишнинг умумдавлат аҳамиятига эгаллиги ҳам масаланинг муҳим жиҳатидандир. Бунда айнан нашриётларнинг китоб нашр этиш соҳасидаги сиёсатини белгилаш, кутубхоналар томонидан тўпланган ва тўпланаётган китоблардан қандай фойдаланилаётганини билиш, мамлакатнинг тартегик тараккиёт манфаатлари йўлида миллион-миллион аҳолининг китоб ўқишини бошқариш имконини беради.

Шу ўринда “бирламчи танлаш” тушунчаси ҳақида ҳам изоҳ бериб ўтиш ортикча бўлмайди. Бирламчи танлаш фондларни тўлдиришнинг муҳим вазифасига қиради. Бирламчи танлаш китобларни сотиб олишдан олдин амалга оширилса, иккиламчи танлаш эса фондларга келиб тушган нашрлар билан амалга оширилади. Бирламчи танлашда кутубхонага олинган нашрлар қанчалик синчиковлик билан амалга оширилмасин, фондларда вақт ўтиши билан китобхонларнинг қизиқиши ва талабига жавоб бермайдиган нашрлар тўпланиб қолади. Ана шу ҳолатларда албатта иккиламчи танлаш жараёни ўтказилади. Бундай жараённи ўтказишнинг асосий сабаби, бир томондан, вақт ўтиши билан китоб мазмуни эскириб қолиши бўлса, иккинчи томондан, китобхонларнинг қизиқишлари соҳасида кечадиган ўзгаришлардир.

Маълумки, янги инновацион ғояларнинг кашф этила бориши билан илмий нашрлар, янги технологияларнинг ривожланиши ва жорий этилиши билан ишлаб чиқаришга доир нашрлар эскира боради. Республикамызда ривожланиш жадаллашгани сари унинг сиёсий ҳаёти ва маданиятининг ўзгариши билан ижтимоий-сиёсий адабиётнинг анчагина қисми секин-аста эскиришга юз тутаяди. Дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳам таълим тизимидаги ислохотлар туфайли, эскиради. Замоннинг тез ри-

вожланиб бориши натижасида бугунги кунда фақат ўтган йиллардаги нашрларни эмас, балки янги нашрларни ҳам иккиламчи танлашга олиш мумкин. Бу қандай нашрлар? Мавзусининг долзарблиги йўқолган бўлса, мазкур китобни ўқийдиган китобхонлар контингенти оз бўлса, нашрда янги ахборот бўлмаса, ташқи безатилиши қониқарсиз (шрифти майда, формати ноқулай, қоғознинг сифати паст) бўлса мазкур нашр ҳаддан ташқари кўп нусхада сотиб олинган бўлса, бундай нашрлар иккиламчи танланиб депозит сақлашга ўтказилади.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида” 2017 йил 13 сентябрдаги қарорига амал қилган ҳолда бугунги кунда нашриётларда босиб чиқарилаётган адабиётларнинг сифати ва илмий ҳамда бадиий салоҳиятининг юқориликка эътибор берилса, китоблар узоқ муддат иккиламчи танлашга дучор бўлмайди.

Вилоят ахборот-кутубхона марказларида умумдавлат аҳамиятига эга бўлган депозитарийлар шакллантирилган. Бугунги кунда кўпгина ахборот-ресурс марказлари ҳам депозитарийларга эҳтиёж сезмоқда. Депозитар сақлаши мумкин бўлган алоҳида кутубхоналар расмий равишда белгиланмайди, балки кутубхона хизмати кўрсатаётган майдоннинг катталиги, улардаги адабиётларнинг сони ва бой эски фондлари бўлган кутубхоналар ҳам депозитарий сақлаши мумкин. Депозитарийлар вазифасига фойдаланилмайдиган, кам сўраладиган адабиётларни кутубхона фондларидан йиғиб олиб бир четда сақлаш эмас, балки бу адабиётларни республикамизнинг барча ҳудудларидаги ахборот-кутубхона муассасаларига зарурат бўлса, чет эл кутубхоналарига фойдаланиш учун бериш ҳам қиради.

Бугунги кунда фондларни эскириб қолган адабиётлардан тозалаш борасида асос бўладиган меъёрий ҳужжатларнинг йўқлиги ёки, бор бўлса ҳам, эскилиги фондларда ишлайдиган мутахассисларнинг иш самарадорлигига ҳалал бермоқда. Айни мана шу йўл-йўриқларни кўрсатувчи меъёрий ҳужжатларни (Мисол учун, кутубхоналар китоб фондларини депозитар сақлашни ташкил этиш тўғрисида низом) янгилаш мақсадга мувофиқдир.

Кутубхоначилик амалиётида депозитарий сақлаш хусусидаги назарий йўл-йўриқлар қуйида-

гича бажарилади. Депозитарийга аввало кутубхона фондининг кам сўраладиган қисми ажратилади. Ушбу ажратилган адабиётлар бутлаш, хизмат кўрсатиш ва сақлаш бўлимлари ходимларидан иборат комиссия томонидан кўриб чиқилади. Танлаб олинган китоблар каталоги ҳудудларидаги АКМларига юборилади, АКМлар карточка-таклифларни ўз каталоги билан солиштириб кўрадилар ва керакли нашрларни ўрнатилган тартибда бепул қабул қилиб оладилар. АКМларининг депозитарийларига қабул қилинмаган босма асарлар ўрнатилган тартибда ҳисобдан чиқарилади.

Депозитарийга китоб танлашда кутубхона фондини ўрганиш жуда муҳим ҳисобланади. Бунда кутубхоначининг ўз кутубхонаси ва унинг вазифалари, имкониятлари, хизмат кўрсатиш турлари, китобхонлар контингенти ҳамда қизиқишлари кутубхонанинг истиқбол режалари тўғрисида аниқ тасаввури бўлиши керак. Аммо бугунги кундаги ахборотларнинг кўплиги сабабли босма асарларнинг ҳаммасини ўқиб чиқиш жисмонан мумкин эмас. Шунинг учун кутубхонада айрим китобларни ўқишдан ташқари, янги китобларни қабул қилиб олиш, ишлов бериш, фойдаланувчига бериш, қайтган адабиётларни ўз жойига қўйиш, кўргазмалар учун китоблар ажратиш жараёнида юзаки танишиш мумкин. Бу жараёнлар фондларни ўрганишда умумий тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Бироқ тажриба шуни кўрсатадики, асосли хулосалар чиқариш учун албатта тасаввурга эга бўлишнинг ўзи етарли эмас. Маълумотларни статистик таҳлил қилиш, фонддан фойдаланишни (айланиши, ўқилиши, китоб берилиши) ҳисобга олиш, китобнинг фан тармоқлари, нашр йиллари, муаллифи, нашр турлари бўйича ҳаракатини ўрганиб бориш натижалари депозитарий фондни шакллантиришда муҳимдир.

Депозитарий фонд ҳам ўзига хос ахборот манбаидир. Депозитар сақланаётган фондларда, одатда, ўтмиш ҳақидаги манбалар жамланган бўлади. Ушбу манбалардан асосан тадқиқот олиб борувчи илмий ходимлар фойдаланиши уларнинг ижтимоий аҳамиятидан дарак беради. Депозитар фондлар ҳам бошқа фондлар каби тўлақонли ахборот манбаи ҳисобланиб, уларга муносабат ҳам ҳужжатларни сақлаш ва улардан фойдаланиш ҳақидаги нормаларга мувофиқ бўлиши керак. Депозитарий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш учун ундаги китобларни ҳам электрон кўринишга ўтказиб, уларнинг жисмоний ҳолатини сақлаб қолиш муҳимдир.